# Оқ ўтовда ойдин қўшиқ

***Ҳамал ойи табиатдаги - она ер бағридаги бор жонзотларнинг ҳам уйғониш, жонланиш пайти. Айтишларича, баҳорнинг ушбу мавсуми бошланган кезларда ер остида ухлаб ётган илон ҳам бир думалаб оларкан.***



**Удум**

Наврўзнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ афсоналар кўп. Мана шулардан бири. Бутун ер юзини сув босиб, оламни тўфон эгаллаганда, Нуҳ пайғамбар кемасига турли жонзотдан бир жуфт-жуфт олиб сузиб юраркан. Иттифоқо, бир куни яқин атрофда қуруқлик бор ёки йўқлигини билиш истагида қалдирғочни самога қўйиб юборибди. Бир оз фурсат ўтгач, ҳалиги қалдирғоч тумшуғида чўп олиб қайтибди. Шундан Нуҳ алайҳиссалом яқин жойда қуруқлик борлигини ҳамда бу чўп кўкламдан дарак эканлигини англабди. Қалдирғоч келган тарафга қараб сузган кемадагилар узоқдан бир оролни кўришибди. Одамлар ерга қадам босган ўша кунни "янги кун", деб байрам қилишга одатланишибди.

Халқимиз қадимдан Наврўзни ўзгача бир завқ-шавқ билан нишонлаган. Деҳқонлар яхши ният билан ерга уруғ қадашади. Ҳатто, аразлашган одамлар бу кунда ярашиб, гиналарни унутишади. Бу байрам аждодларимиз меросини, урф-одатлари, удумларини, миллий ўйинларию куй-қўшиқларини ўзида мужассам этиб, асраб келаётганлиги билан бизга янада қадрлидир.

Жонажон Нукусда ҳам байрам тантаналари бўлиб ўтадиган майдонларга оқ ўтовлар, арғимчоқлар тикланади. Ўтовлардан эса миллий либосдаги қиз-йигитлар жой олишиб, йигитлар бир тараф, қизлар бир тараф бўлиб, қуйидаги каби айтишув бошлайдилар:

**ҚИЗ:**
*Сув бўйига борган йигит,*
*Сувга назар солган йигит,*
*Билакузугимни олган йигит,*
*Олсанг бергин билакузугимни.*
**ЙИГИТ:**
*Сув бўйига борганим йўқ,*
*Сувга назар солганим йўқ,*
*Билакузугингни олганим йўқ,*
*Олганлар берсин билакузугингни.*

Айтишув осон кечмайди. Чунки, бунда қатнашаётган ҳар бир одамнинг хулқ-атворини тасвирлай билиш, шу билан бирга, ҳозиржавоб бўлиш айтишув айтаётган кишидан ҳар томонлама зукколикни талаб этади.

**ҚИЗ:**
*Отамга айтиб билдираман,*
*Уч ёғочга илдираман,*
*Товонингни тилдираман,*
*Олсанг бергил билакузугимни.*
**ЙИГИТ:**
*Отангга айтиб билдирсанг-да,*
*Уч ёғочга илдирсанг-да,*
*Товонимни тилдирсанг-да,*
*Олганлар берсин билакузугингни.*

Ўтов ичида ҳазил-ҳузул, қийқириқларга тўла гўзал бир гаштак давом этаётган бир пайтда ташқарида кўпкари, ошиқ ўйини, қўчқор, хўроз уриштириш томоша қилишади. Дастурхонларни безаган наврўзий таомларнинг ҳам таъми ўзгачадай - сумалак, гўжа, сут оши, балиқ ва турли кўкатлардан тайёрланган ёгуликлар... Наврўз дастурхонининг тўкинлиги - халқимизнинг насибаси, ризқи мўл бўлсин, деганидир. Зеро, доимо баҳамжиҳатликда яшаш, шоду хуррамлик, тўкинчилик эл-улуснинг дил истаги бўлиб келган.

**Юсуф БОЙСАГАТОВ,**
**Нукус шаҳри.**

***Сумалак Наврўзи оламнинг энг татимли ва тансиқ таоми ҳисобланади. Маълумотларда келтирилишича, бундан қарийб 3000 йиллар илгари Марказий Осиё аҳолиси сумалакни фасли баҳорни кутиб олиш, деҳқончилик юмушларини бошлаш арафасида тайёрлашни хуш кўришган. Негаки, у айни иликузилди пайтларда кишига қувват бағишлайдида. Сумалакнинг бундай ижобий хосиятларини хорижлик олимлар ҳам тан олишган.***

Шарқ мамлакатлари ҳаёти ва турмуш тарзини яхши биладиган немис олимларидан Эмерсон ва Эванс унган буғдой донлари устида илмий тадқиқотлар олиб боришган. 1936 йилда бу олимлар ниш урган буғдой муртаги таркибида "токоферол" номи билан юритилувчи биологик фаол модда





**Наврўз таоми**

# Сумалак

салмоқли миқдорда бўлишини қайд этдилар. Ҳозирда токоферол Е белгили дармондори сифатида жуда қадрланади. Бу витамин юқори ҳароратга бардошли, ишқорий ва нордон муҳитларда парчаланмайдиган, барқарорлиги билан ажралиб туради. Мазкур модда одамнинг жинсий гармонларини уйғунлаштиради, эркакларни наслсизлик балосидан, аёлларни бепуштлик, ҳомила ташлаш каби азиятли дардлардан асрайди. Шунингдек, Е белгили дармондори организмда оксидланувчи жараёнларни тўхтатади, аъзоларнинг қаришига маълум даражада чек қўяди. Бундан ташқари, у киши аъзоларидаги холестерин миқдорини меъёрида сақлаб туради, мушакларга гликоген моддасио йиғилишига ёрдам беради, қилтомирларнинг ўтказувчанлик хусусиятини яхшилайди.

Қизиғи шундаки, Е белгили дармондори одам аъзоларида ҳосил бўлмайди, у фақат озиқ-овқат маҳсулотлари орқалигина киши организмига тушиши мумкин. Мазкур ҳаётбахш омил сумалакнинг таркибида салмоқли миқдорда бўлади. Хуллас, йигирма йилдан ортиқ вақт ичида илмий кузатишлар олиб борган дунё олимлари ундирилган буғдойнинг қувватбахш эканлигини тўла-тўкис исботлашди. Унга "тириклик шарбати", дея таъриф бердилар. Айтиш жоизки, буғдой майсаси модда алмашинув жараёнини яхшилайди, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Олиб борилган кўпгина кузатувларда жиддий хасталиклар билан оғриган беморлар ундирилган буғдой истеъмол қилиши натижасида аҳволи яхшиланиши билан бирга, сочларининг асл ранги тикланган, кўзнинг илғаш хусусияти ортиб, тиш ва милкларнинг мустаҳкам бўлиши қайд этилган.

**Маннон НАБИЕВ**


Наврўзи олам муборак, азизлар!

AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумининг Узбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютори

**Мамлакатимиз аҳлини кўҳна ва гўзал баҳор байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.**




IPOTEKA BANK



Наврўзи олам муборак, азиз юртдошлар!

*Сизни яқинлашиб келаётган*
*энг улуғ, энг азиз -*
*Наврўз байрами*
*билан муборакбод этамиз.*
*Барчангизга сиҳат-саломатлик,*
*фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият,*
*Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги*
*ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган*
*ишларингизда ривож тилаймиз.*

IPOTEKA BANK

Хизматлар лицензияланган

ASAKA BANK

Мухтарам юртдошлар!

**ДАТ «Асака» банки жамоаси Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва даромадларингизни кўпайтириш учун Сизларга янги омонат турларини тақдим этади.**

**- Миллий валютада "Соғлом келажак" омонати, сақланиш муддати 1 йил, йиллик 18 фоиз. Омонатнинг бошланғич бадали 1 миллион сўм. Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра, омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга "Асака" банкининг сўм пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.**

**- Хорижий валютада 6 ойлик омонати, йиллик 8 фоиз. Омонатнинг бошланғич бадали 2000 АҚШ доллари. Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра, омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга банк томонидан халқаро "Master Card" пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.**

*Бундан ташқари, ДАТ "Асака" банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:*

**Миллий валютада**

| | |
|---|---|
| 6 ойдан 1 йилгача | Йилига 17% |
| 1 йилдан 3 йилгача | Йилига 17% |
| 3 йилдан 5 йилгача | Йилига 17% |
| "Олтин куз" омонати (сақланиш муддати 3 ой) | Йилига 18% |
| "Юбилейный" омонати (сақланиш муддати 6 ой) | Йилига 18% |
| "Табассум" омонати (сақланиш муддати 45 кун) | Йилига 18% |
| "Саховат" омонати (сақланиш муддати 1 йил) | Йилига 18% |
| Болалар учун "Умид" омонати (сақланиш муддати 3 ой) | Йилига 18% |

**Хорижий валютада**

6 ойдан 1 йилгача

| | |
|---|---|
| - 1000-2000 АҚШ долларигача | Йилига 6% |
| - 2000 ва ундан юқори АҚШ долларигача | Йилига 7% |

**Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва "Банк сири" Қонуни билан муҳофазаланади.**

Мурожаат учун телефонлар: 120-86-97, 120-82-02, 120-82-60, 120-86-87


Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги" кафедраси доценти

**Баҳодир НОРМАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Ўсимликшунослик" кафедраси доценти Мирзокир Якубовга ва "Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик" кафедраси ассистенти Миржалил Якубовга волидаи муҳтарамаси

**МАРҲАМАТ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

Ⓗ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:**

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** Ш.САНАЕВ

**Саҳифаловчилар:** Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ

**Бош мусаҳҳиҳ:** Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 23.00 Адади - 20965

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru